

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

### Депутатлар Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқдилар

Жорий йилнинг 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида депутатлар Ҳисоб палатасининг 2017 йилги ҳисоботини кўриб чиқдилар.

Мажлисида Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари О.Рустамов ҳисобот билан сўзга чиқди.

Таъкидлаш жоиз, Ҳисоб палатаси мамлакатимизнинг энг олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи ҳисобланиб, Олий Мажлис палаталарига ҳисобдордир. Шу боис, ҳисобот дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди. Фракцияларда ўтказилган муҳокамалар давомида депутатлар парламент назоратини амалга ошириш ва қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, назорат-таҳлил тадбирларига фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари фаол тарзда жалб этиш юзасидан парламент ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор тақлифлар ишлаб чиқдилар.

Тақдим этилган ахборотда таъкидландики, Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолиятида Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг ташқи аудитини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини такомиллаштириш бўйича 32 тақлиф билдирилди. Давлат бюджети даромадлари прогнози лойиҳа-

си Ҳисоб палатасининг 10 та тақлифи асосида қайта кўриб чиқилиб, 1,4 трлн сўмга қайта ҳисоб-китоб қилинишига эришилди.

Маҳаллий бюджетларга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш натижасида бюджетга қарийб 120 млрд сўм қўшимча даромад манбалари аниқланди. Жумладан, Самарқанд вилоятида 27 млрд сўм, Тошкент вилоятида 21,4 млрд сўм, Наманган вилоятида 6,3 млрд сўм ҳамда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 30,4 млрд сўм, Бектемир туманида 19,4 млрд сўм ва Сергели туманида 13,3 млрд сўм қўшимча даромадлар аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини топшириги бўйича давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, Президентнинг қарорлари, шунингдек, хорижий мамлакат-

ларга давлат ташрифлари давомида имзоланган келишув ва ҳужжатларни амалга оширишнинг тўлиқлиги ва самарадорлиги бўйича назоратни ташкил этиш ишлари Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилги ҳисоботи маъқулланди.

Шундан сўнг депутатлар қуйи палата мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ва иккинчи ўқишларда кўриб чиқдилар.

Қонунчилик палатаси  
Ахборот хизмати  
материали асосида.

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Адвокатларга – ҳар бир мутахассислик бўйича алоҳида лицензиялар

Президентнинг 12.05.2018 йилдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

### Адвокатлар фаолиятини лицензиялаш

1 июлга мўлжалланган ўзгартиришлар:

1) адвокатлар ҳар бир мутахассислик (жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва ҳ.к.) бўйича алоҳида лицензия оладилар. Ҳозир «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган адвокатлик фаолиятининг барча турларига бир вақтнинг ўзида битта лицензия берилди;

2) адвокатлик фаолияти турларининг рўйхати ҳам кенгайтирилади. Адвокатлар низоларни судга ҳал қилиш бўйича чоралар кўришлари, томонларни яраштиришлари ва ҳатто ҳакамлик судьяси сифатида қатнашишлари мумкин;

Шуни қайд этиб ўтамизки, «Медиация тўғрисида»ги қонун (ҳуқуқ соҳасидаги яраштирув таомиллари – таҳр.) ҳали қабул қилинмаган. Аслида у жорий йил

январь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда маъқулланган эди. Мазкур қонун билан адвокатларнинг ўша соҳадаги иши батафсил тартибга солиниши керак.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ эса адвокат илмий ва педагогик, шунингдек Адвокатлик палатасидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас. Яъни адвокатлар ҳакамлик судьялари ҳам бўла олмас эдилар;

3) Адвокатлик тузилмасидаги мажбурий стажировка ўташ муддати 6 ойдан 3 ойга қисқартирилади.

Бунда камида 3 йил давлат органлари ёки ташкилотларининг юридик хизматида ёхуд судья, терговчи ёки прокурор бўлиб ишлаган фуқаролар стажировкадан озод этилади.

Эслатиб ўтамиз, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 8-1-моддасига мувофиқ камида уч йиллик



иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли. Стажировка ўташ тартиби эса Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низо (АВ томонидан 27.03.2009 йилда 1928-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланади;

4) Адвокат лицензиясини олиш учун малака имтиҳонини топшира олмаган шахслар уни 6 ойдан кейин такроран топширишлари мумкин. Ҳозир «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 3-1-моддасига мувофиқ уни фақат 1 йилдан кейин такроран топшириш мумкин.

Шуниси эътиборлики, имтиҳон қандай ўтказилаётганини Интернет орқали онлайн режимда кузатиш мумкин бўлади;

5) Адвокатлик лицензиясини тугатиш фақат суд тартибидан амалга оширилади. Ҳозир бу уни берган адлия органининг ваколатларига қиради («Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси).

2-бетда

Ушбу  
сонда:

5-БЕТ

Ҳали 1 йил ишламаган филиални текширишяпти. Бунга ҳуқуқ борми?

6-БЕТ

«Яшалмайдиган» квартира эгаси ХУМШга 3 баравар кўп тўлаши тўғрими?

8-БЕТ

1 июлда эски паспортнинг амал қилиши тўхтади. Кейин нима бўлади?

## Адвокатларга – ҳар бир мутахассислик бўйича алоҳида лицензиялар



**1 августга** мўлжалланган ўзгаришлар:

тижорат ташкилотлари (консалтинг фирмаларига – тахр.) юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш учун адвокатлик лицензияси талаб этилмайди. Бироқ бундай ташкилотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қила олмайдилар.

Эслатиб ўтаамиз, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар бериш адвокатлик фаолияти турларидан бири ҳисобланади, унинг учун лицензия олиш талаб этилади. Бироқ амалиётда юридик маслаҳат бериш ва консалтинг фаолиятини фарқлаш мушкул. Шу сабабли ушбу қоидада кўпинча риоя этилмайди. Президентнинг Фармони ушбу зиддиятни бартараф этмоқда.

Шуни қайд этиб ўтаамизки, юридик маслаҳат бериш ва тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш ҳар хил турдаги адвокатлик фаолияти ҳисобланади. Чунки, консалтинг ташкилотларининг ходимлари ҳужжалик шартномаларини имзолаш ҳуқуқига эга эмас («*Ҳужжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида*»)и Қонуннинг 21-моддаси).

Штатдаги юрисконсулт ёки жалб этилган адвокат имзосиз шартнома тузишга эса йўл қўйилмайди. Бу масала қандай ҳал этилиши ҳозирча номаълум.

### Адвокатларнинг иши

1) Адвокатлар ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио– ва видеокузатув жиҳозлари ўрнатилмаган махсус хоналарда, бегона шахсларнинг қатнашувисиз исталган вақтда ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашишлари мумкин.

Шуни қайд этиб ўтаамизки, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси, Жиноят-процессуал кодексининг 46 ва 48-моддалари, Жиноят-ижроия кодексининг 10-моддасида бу илгари ҳам назарда тутилган эди.

2) Адвокатларга суд биносига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб киришга рухсат берилди.

Эслатиб ўтаамиз, Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг ҳафсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йуриқнома (АВ томонидан 15.03.2018 йилда 2981-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан бундай буюмларни олиб кириш тақиқланган.

3) Адвокатнинг сўровига жавоб бериш учун 15 кунлик муддат белгиланди. Илгари бундай сўровларга «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган жавоб беришнинг умумий муддатлари қўлланилган – 15 кун (умумий муддат), қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, 30 кунгача бўлган муддатга у зайтириш имконияти билан.

Шу тарика, адвокатларнинг сўровлари юзасидан жавоб бериш муддатларини у зайтириш тақиқланади.

**Бу – муҳим!** Адвокатлар адвокат сўровига жавоб бериш тартибини бузишда айбдорларни маъмурий жавобгарликка (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197-1-моддаси, 2 ЭКИҲдан 5 ЭКИҲгача жарима) тортиш учун бевосита маъмурий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Илгари бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриши белгиланган эди. Бироқ маъмурий баённома тузиш ва уни судга бериш механизми аниқ белгиланмаган эди.

4) Адвокатура тизимидаги иш стажига қараб Адвокатлар палатаси раиси томонидан адвокатларнинг тегишли малака даражалари берилди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Мурожаатлар бўлимида кимларнинг ишлашига рухсат берилди

Вазирлар Маҳкамасининг 7.05.2018 йилдаги 341-сон қарори билан Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом тасдиқланган.

Эслатиб ўтаамиз, ўтган йилнинг кузида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири кучга кирди.

Намунавий низомнинг аввалги таҳрири ўз кучини йўқотди. Бироқ мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари ўзгармай қолди, шу боис асосий таомилни такрор эслатишга ҳолат йўқ. Бунда янгиликлар анчагина, шу сабабли энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги янги боб киритилди. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташиқлий-ҳуқуқий шаклига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмаслиги жорий этилди.

2. Алоҳида бобда мурожаатларни видеоконференцалоқа воситасида қабул қилиш назарда тутилган. Улар олдиндан тасдиқланган мурожаатларни қабул қилиш жадвали орқали берилди. Бунинг учун мурожаат этувчи видеоконференцалоқа ўрнатилган тегишли давлат органи, ташкилотига белгиланган шаклдаги талабнома йўллади. Ариза электрон шаклда берилиши мумкин.

Видеоконференцалоқа орқали келиб тушган талабнома келиб тушган пайтидан бошлаб 1 иш кундан кечикмай мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан рўйхатга олинади ва давлат органи, ташкилотининг раҳбарига киритилади. У талабномани кўриб чиқиб, видеоконференцалоқа орқали кўриб чиқиш ёки кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Қабул қилинган қарор, видеоконференцалоқа орқали мурожаатни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида давлат органи, ташкилоти муаллифини огохлантиради.

Видеоконференцалоқа орқали келиб тушган мурожаатлар оғзаки мурожаат сифатида умумбелгиланган тартибда қайд этилади, рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

3. Шахсий қабуллар билан бир қаторда оммавий қабуллар ўтказилади (фуқаролар билан ташкилотлар вакилларининг оммавий учрашувларида мурожаатлар қабул қилинади). Оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда мурожаат қилувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни ва уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа жойларга бирмабир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади. Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилоти раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситалари (аудио– ва видеоёзув, фотосуратта олиш) қўлланилиши мумкин.

4. Аниқ қайд этилишича, давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари:

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъ-

золари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиқ этилишини бартараф этиши;

агар мурожаат этувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

5. Илгари қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органлари, ташкилотлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатнинг қаноатлантирилиши мурожаат этувчига қуйидагиларни суд тартибидега ундириш ҳуқуқини беради:

ариза ёки шикоят бериш ва кўриб чиқиш билан боғлиқ зарар;

тегишли давлат органлари, ташкилотлари ёки уларнинг мансабдор шахслари талабига кўра мурожаатни кўриб чиқиш учун жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатлар;

ана шу вақт ичидега йўқотилган иш ҳақи.

Суд тартибидега маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

6. Мурожаатлар билан ишлаш бўлимида бўлинманинг ходимларига қуйидаги талаблар қўйилган:

ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлиш;

камида 3 йиллик иш стажига бўлиши;

уларнинг ходими бўлган давлат органи, ташкилоти бўлинмаларининг фаолияти, функцияларига оид мажбуриятлари тўғрисида хабардор бўлиш;

юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш;

киришмиллилик;

замонавий АКТни қўллашни билиш.

Ушбу ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида ташқи кўриниши бўйича давлат органи, ташкилотига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга кўмаклашиши, умумий қабул қилинган иш тартибига риоя этиши, вазмин ва интизомли бўлиши керак.

Мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларнинг 3 йилда камида 1 марта ўқиши ва малака ошириши ташкиллаштирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 14.05.2018 йилдан кучга кирди.

Зумрад Ниязметова, адвокат.

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**  
– Депутатлар Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқдилар **1-бет**
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
– Ҳунармандчилик махсулотни олиб чиқиш соддалашди **1-2, 6-бетлар**
- **РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**  
– «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**  
– «Ўзбекистон Республикасида мажбурий

- меҳнатта барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» **3-4-бетлар**
- **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**  
– Компенсация олим ҳуқуқи  
– Филиални ҳам текширдилар  
– Бадал микдорини асослаш зарур  
– Масаланинг икки хил ёчими **5-6-бетлар**
- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**

- Мутахассис учун прописка  
– Муайян яшаш жойига эга бўлмаганлар – реабилитация марказига  
– Юртдошларимизга – фуқаролик паспортлари  
– Чет эллик шахс учун кўчмас мулк  
– Ҳақ ҳақидаги барча маълумотлар  
– Асос йўқ  
– Консулхонада албатта ҳисобда туринг  
– Бир мавзуда **7-8-бетлар**

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни унчино шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўйиштириш, тарқатишга **ФАКАТ «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



# РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

— «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида».

## ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

— «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТ АРХИВЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА\*

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатда давлат театрлари, цирклари, музейлари, ҳайвонот боғлари, концерт ташкилотлари, ижодий жамоалари, маданий-маърифий муассасалари (кейинги ўринларда давлат маданият муассасалари деб юритилади) ва давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва унинг худудий бошқармалари ташкил этилиши маданият соҳасида ягона давлат сибатини юритишга, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирларни амалга оширишга, санъатни ва бадий ижодни ҳар томонлама ривожлантиришга, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантиришга, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этишга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги (кейинги ўринларда – «Ўзархив» агентлиги) томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондида бўлган ҳужжатли маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, бадий ижодни, жумладан, театр, музыка, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, халқ тарихи ва унинг замонавий ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама қўмақлашни бўйича белгиланган вазифалар маданият ва архивлар соҳасидаги малакали кадрларни рағбатлантирмасдан таъминланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг ижодий маҳоратини муносиб баҳолашни таъминлашга, касбий даражасини ҳамда малакасини узлуксиз ошириши учун рағбатланти-

риш усулларини яратишга йўналтирилган меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини яхшилаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзархив» агентлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг:

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг (кейинги ўринларда – давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг ходимлари) меҳнат ҳақи миқдорларини ўртача 45 фоизга ошириш;

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим маошларини белгилашни назарда tutuvchi меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда лавозим маошлари ўртасидаги тафовутни кўпайтириш ҳисобига касбий ўсишни рағбатлантириш;

2018 йил 1 июндан Ўзбекистон давлат цирки, ҳайвонот боғлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг кўзи оқизлар учун кутубхоналари ҳамда давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифаларига театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадий ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун белгиланган миқдорларда ҳар ойда тақдирлаш пули тўланишини белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойда тақдирлаш пули тўланиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва тегишли давлат маданият муассасалари ҳамда давлат архивларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан мо-

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 15.05.2018 йилда ва «Халқ сўзи» газетасининг 15.05.2018 йилдаги 98 (7056)-сонида расман chop etilgan.

лияштириладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим машоарли миқдорларини;

мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ узок муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули белги-ланадиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифалари рўйхатини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молияштириладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги нозомни тасдиқласин.

4. 2018 йил 1 июндан концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 30 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018

йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон қарорига 9<sup>1</sup>-иловаанинг рус тилидаги матнида 4-позицияси «Ставки налога в % к налогооблагаемой базе» устунидаги «30» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзархив» агентлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С.Сайфуллаев ва «Ўзархив» агентлиги бош директори У.Б.Аъламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЕВ.**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 май  
ПҚ-3727-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА БАРҲАМ  
БЕРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир аниқ ҳамда амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) билан фаол ҳамкорлик қилинмоқда, ушбу ташкилотнинг 14 та, жумладан, 8 та асосий конвенцияси, шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга доир конвенцияси ратификация қилинди. Республикада ХМТ Конвенцияларини ҳаётга татбиқ этишга доир миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди, мазмуни ва моҳияти ХМТ методологияси бўйича миллий меҳнат қонуничилигини ва меҳнат бозорини ривожлантиришга, бандликни, ижтимоий муҳофазани ва аҳоли билан мулоқотни таъминлашга йўналтирилган Муносиб меҳнат бўйича амаллаётган дастури бажарилмоқда. Ушбу Ташкилот экспертларининг бевосита иштирокида қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш мониторингини олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида» 2017 йил 4 октябрдаги СҚ-231-III-сон қарори билан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан бирон-бир шаклда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича ушбу йўналишда комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган парламент назорати институти жорий этилди.

Кўрилган чора-тадбирлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик учун етарли норматив-у-

қуқий базани шакллантириш имконини берди, бу жаҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, сўнгги пайтда барча даражадаги ҳокимлар томонидан таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга мажбурий жалб қилиш шаклида меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар кузатилмоқда. Мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, юқорида қайд этилган шахсларни кўрқитиш, уларга нисбатан ҳақоратли сўзларни ва ҳаттоки, куч ишлатиш ҳолатлари ҳам қайди этилмоқда.

Ушбу ҳолат бундай ишларни бажаришга мажбурлаш давомида мазкур ишларга жалб этилган шахсларнинг жароҳат олишига ва айрим ҳолларда ҳалок бўлишига сабаб бўлаётган кўнгилсиз воқеалар рўй бераётгани билан янада мураккаблашмоқда.

Маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг бундай ҳатти-ҳаракатлари республиканинг қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлиб, унинг жаҳон майдонидаги нуфузига путур етказмоқда, мамлакат Хукумати ишига, биринчи навбатда, билимли ва соғлом баркамол авлодни тарбиялашга катта зарар етказмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш ва ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларни обрўсизлантиришга.

Бундан буён бу ҳақ салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, давлат органлари ишидаги тизимли камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа

\* Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 14.05.2018 йилда расман эълон қилинган.

қонун ҳужжатларида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлангани, ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, бирон-бир жазо қўлланиши билан кўриктан ҳолда ишларни бажаришга мажбурлашни тақиқловчи нормалар мустаҳкамланганини эътиборга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, барча даражалардаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари:

фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари уқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳўлатларининг зудлик билан олдини олсинлар ва бунга чек қўйсинлар;

фуқароларни, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, талабалар ва таълим муассасалари уқувчиларини мажбурий жамоат ишларига бевосита ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрсинлар;

мажбурий меҳнатдан фойдаланиш бўйича аниқланган ҳар бир ҳўлат юзасидан тегишли ахборотни жавобгарлик чораларини қўллаш учун ҳўқуқни муҳўфаза қилиш органларига зудлик билан етказсинлар.

## 2. Белгилансинки:

а) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳашарлар қуйидаги шартларга қатъий риоя этилган ҳўлда фақат ихтиёрий тарзда ташкил этилади ва ўтказилади: умумхалқ ҳашарини ўтказиш тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳўжжати ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд бўлганда;

ҳашарлар унда иштирок этадиган шахслар меҳнат қиладиган тегишли ташкилот ҳудудида меҳнатни муҳўфаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига қатъий риоя этилган ҳўлда ўтказилади;

ҳашарлар доирасида барча бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ ҳўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга қатъий йўл қўйилмаган ҳўлда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилади;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат тегишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, балалар ва спорт майдонларини жиҳўзлаш, моддий-маданий мерос объектларини зарур ҳўлатда сақлаш, қабристонларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳўлатда сақлаш ишларига аҳўлининг ихтиёрий иштирок этишини ташкил этади.

3. Автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тигиз бўлган кўчалар, сув объектлари, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар том-

лари, хавfli ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф тугилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда ихтиёрий ташаббус билан ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

а) ходимларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, бирон-бир шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳўлатларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари амалга оширилишини назорат қилиш чораларини кучайтирсин;

б) Касаба мониторинг Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликчлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат органларининг, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги ишлари қизгин даврда ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этилиши бўйича фаолияти юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини;

ўтказилган мониторинг яқунлари бўйича фуқаролик жамияти институтларини жалб этган ҳўлда, хусусан, ҳудудларда оммавий эшитувлар ташкил этилишини таъминласинлар, бунда мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг ҳар бир ҳўлати, келгусида бундай ҳўлатларга йўл қўймаслик мақсадида муҳўкама қилиниши лозим.

## 5. Куйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик соҳасидаги қонун ҳўжжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтириш, бу борадаги текширувлар самарадорлигини ошириш ва мажбурий меҳнат ҳўлатлари аниқланганда эса айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш;

б) Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси Кенгашига:

жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш борасида ташкилотлардаги касаба уюмлари бошланғич бўгинларининг жавобгарлик чораларини кучайтириш;

мажбурий меҳнат ҳўлатлари аниқланган тақдирда улар тўғрисида прокуратура органларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳўқуқ инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига зудлик билан маълум қилиш;

бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликда ушбу соҳадаги жамоатчилик назоратини фаоллаштириш тавсия этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик

ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларидан нихоятда самарасиз фойдаланилаётганлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори талабларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаган ҳолда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини кенг жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсинлар.

Жамғарма маблағларидан мақсадли, самарали ва режалли фойдаланилиши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари фаолияти натижаларини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда:

фуқароларни мажбурий жамоат ишларига ноқонуний жалб қилиш ёки ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ваколатларини кенгайтириш, шу жумладан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтиришга доир ваколатларини кенгайтириш;

ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қридаларини қайта кўриб чиқиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) бир ой муддатда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ободонлаштириш бошқармалари, туман йўл эксплуатация корхоналари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармалари ҳузуридаги эксплуатация линия корхоналарининг фаолиятини танқидий таҳлил қилсинлар;

б) ўтказилган таҳлил аяқунлари, халқаро тажрибани ўрганиш асосида бир ой муддатда ободонлаштириш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг куйидагиларини:

амалдаги инфратузилмани, ободонлаштириш тизими ходимлари сони нормативларини, меҳнатга ҳақ тўлаш

тариф сеткасини ва уларни моддий рағбатлантиришни қайта кўриб чиқишни;

хорижий давлатларнинг тажрибасини жорий қилиш ва мослаштириш, туман ва шаҳарларнинг йўл-эксплуатация хизматларини ва ободонлаштириш хизматлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ихтисослаштирилган техникалар билан жиҳозлашни;

туман ва шаҳарлар йўл-эксплуатация хизмати ва ободонлаштириш хизматлари штатлари сонини кўпайтириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини сифатли оширишни; ободонлаштириш тизимини барқарор молиялаштиришнинг самарали механизмларини яратишни ва ушбу соҳага инновацияларни жорий қилишни;

ободонлаштириш тизими ҳолатининг ҳар ойлик мониторингини амалга оширишни;

ихтисослашган хусусий ташкилотларни кўрсатилган ишларни бажаришда давлат-хусусий шерикчилик ва аутсорсинг механизмларини жалб этишни жорий қилишни назарда тутувчи тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда: икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ушбу қарорни бажарилиши натижадорлигини пухта таҳлил қилсин;

яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ушбу соҳада қонуний қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ахборот ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа тегишли вазирликлари ва идораларининг маслаҳати кўмағида, аниқланган мажбурий меҳнат ҳолатларини кенг ва танқидий ёритишни, шунингдек, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини тушунтиришни ташкил этиш тавсия этилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўзлари қабул қилган, ушбу қарорга зид бўлган ҳужжатларнинг бир ҳафта муддатда қайта кўриб чиқиши ва бекор қилиниши таъминласинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д.Қудбиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 май,  
349-сон.

Корхонамизнинг касабга уюшмаси раиси бўшатишга ходим бўлиб, ташкилотимиз билан меҳнат ёки фуқаролик шартномаси тузмаган. Корхона унга:

шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсацияни;

қўшимча тўловлар ва иш ҳақига бошқа устамаларни тўлашга ҳақлими?

М.Сақтапова.

## Компенсация олиш ҳуқуқи

– Шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация, шунингдек иш ҳақига устамалар ходимларга тўланади. Корхона билан меҳнат муносабатларини ўрнатмаган шахсларга ҳам тўловлар тўланиши мумкин. Бироқ улар компенсация ёки устама деб ҳисобланмайди.

Касабга уюшмалари ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга ошириши мумкин («Касабга уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси).

Юридик шахс ташкил этган касабга уюшмалари ўз штатида ходимларга эга бўлишга ҳақли. Тегишчана, меҳнат муносабатларидан келиб чиқиб, уларга тўловлар (иш ҳақи, устамалар ва ҳ.к.) тўлашлари мумкин. Ходимнинг ўз автомобилдан хизмат сафарларида фойдаланганлиги учун компенсацияни, агар бу касабга уюшмаси харажатлари сметасида назарда тутилган бўлса, тўлаш мумкин (Тартиб, ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарорига 3-шлова).

Касабга уюшмаси юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилган бўлса, корхона у билан меҳнат муносабатларини ўрнатмаган жисмоний шахсларга пул маблағларини (тегишли солиқ оқибатлари билан) тўлашга ҳақли. Бироқ ушбу тўловлар шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация ёки иш ҳақига устама деб ҳисобланмайди.

Саодат Усмонова,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



## Филиални ҳам текширадилар

Кичик корхона янги филиал очди. Очилган кундан буён 10 ой ўтди. Очилган санасидан бошлаб ҳали бир йил ўтмаган бўлса, Меҳнат вазирлиги ёки бошқа қандайдир орган корхона филиалида текширув ўтказишга ҳақлими? Корхонанинг ўзида текширув бошланган.

О.Нормухамедова, кадрлар бўйича инспектор.

– Ҳа, агар филиал уни ташкил этган корхонани текшириш доирасида текшириладиган бўлса, ҳақли.

Филиал юридик шахс ҳисобланмайди. У юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир (ФКнинг 47-моддаси).

Шу тариқа, филиал фаолияти филиални ташкил этган корхонани текши-

илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

Кичик тадбиркорлик субъектлари кўпи билан 4 йилда 1 марта текширилади (Қонуннинг 10-1-моддаси). Режали текшириш ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:



риш доирасида текширилиши керак. Мустақил юридик шахс сифатида фаолият юритадиган, солиқ органларида ҳисобга қўйилган, мустақил балансга ва банкларда счётларга эга бўлган филиаллар бундан мустасно.

Эслатиб ўтамиз, давлат органлари қуйидаги текширув турларини амалга оширадилар:

**молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)** – солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш;

**қисқа муддатли текшириш** – назорат қилувчи органлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга оширадиган текшириш;

**назорат тартибда текшириш** – хўжалик юритувчи субъектларнинг

махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;

назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи (Қонуннинг 9-моддаси).

### Бу – муҳим!

- 2018 йил 1 апрелдан бошлаб Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилди (бундан буён Бош прокуратура текширишларни мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган бўлиши эҳтимол).
- Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга мораторий эълон қилинди, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно (22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармоннинг 2-банди).

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар ва реклама

### ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Яшнобод тумани Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш «Ягона дарча» маркази томонидан 2016 йил 1 апрелдаги 006170-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган, «KAMRON PACKER» оилавий корхонаси (СТПР – 303880652) тугатилади.

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 28.02.2018 йилдаги 1-сонли баённома.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда +998974427735 ёки 2967735 телефон рақамлари орқали ва Тошкент ш., Яшнобод тумани, Тўрткўл кўчаси манзили бўйича қабул қилинади.

Қисқа муддатли текширишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида махсус ваколатли органнинг қарорига кўра режадан ташқари текшириш тарзида назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади. Махсус ваколатли органнинг қуйидагилар кўрсатилган қисқа муддатли текшириш ўтказишга доир қарорлари:

текшириладиган объектнинг номи; солиқ тўловчининг идентификация рақами;

текшириш ўтказишнинг мақсади; текшириш ўтказиш муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги;

текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг махсус ваколатли органнинг қарори асосида чиқарилган, мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қисқа муддатли текширишдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади (Қонуннинг 12-моддаси).

Назорат тартибда текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган белгиланган тартибда 1 иш куни ичида амалга оширилади (Қонуннинг 15-моддаси).

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун кўзгалтирилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг фақат кўзгалтирилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Маъмур ҳолатда корхона кўрсатилган шартлардан бирортасига тўғри келиш-келмаслигини аниқ билиш лозим. Корхона филиали фаолиятини текширмоқчи бўлган текширувчи оғда ҳужжатлар билан тасдиқланган асос бўлиши керак.

**ORMA**

**«КОРХОНА ЮРИСТИ»**

электрон маълумотнома тизмининг  
ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тошкент ш., Миробод тумани,  
Фейтмаржон кўча, 11.  
Тел.: (998 97) 200-00-90,  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

## Бадал миқдорини асослаш зарур

Кўп квартиралар уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш харажатлари учун ХУМШга турар жой квартиралари эгаларига қараганда 3 барабар кўп тўлайди.

Бу қанчалик тўғри?

Ф.Исломов.

– ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши мажбурий бадаллар миқдорларини белгилашга ҳақли.

Кўп квартиралар уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори (юридик ёки жисмоний шахс) уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни зиммасига олиши шарт.

ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади («Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси). Бунда у унинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади (Қонуннинг 6-моддаси). Масалан, ойлик мажбурий бадал 1 кв.м учун 300 сўм этиб белгиланган. Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдоридан – 60 кв.м, демак, у ойига 18 000 сўм тўлаши керак.

Ширкат билан яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ўртасида албатта шартнома тузилган бўлиши керак. Намунавий

шартнома шакли ВМнинг 30.05.2006 йилдаги 100-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган. Унинг 2.2-бандига кўра ширкат умумий харажатлар ҳамда мулкдорнинг мажбурий ойлик ва мақсадли бадаллари миқдорларини асослаб бериши шарт.

Сиз билан ширкат ўртасида шартнома бўлмаса, уни тузишни тавсия этамиз. Уни тузиш чоғида бадал миқдорини белгилаган ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан танишиб чиқишингиз мумкин. Ширкат эса унинг миқдорини асослаб бериши лозим.

Яқин орада ХУМШ аъзолари бадалларининг энг кам миқдорлари Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тартибга солинади. Улар УҚХ вазирлигининг 31.01.2018 йилдаги 34-сон буйруғи билан қабул қилинган эди. Бироқ қонунчилик базаси мавжуд эмаслиги боис буйруқнинг амал қилиши вақтинча тўхтатиб турилибди.

Сабоҳат Султонова,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

### ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

## Хунармандчилик: маҳсулотни олиб чиқиш соддалашди

Хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов ва ярмаркаларда намойиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низом (2.05.2018 йилда 3004-сон билан рўйхатдан ўтказилган) эълон қилинди. Ҳужжат ташқи савдо, ташқи ишлар ва маданият вазирликлари, шунингдек Давлат божхона кўмитасининг қўшма қарори билан тасдиқланган.

**Эслатиб ўтамиз,** Президентнинг 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3451-сон қарорига мувофиқ 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган, қиймати 5 минг АҚШ долларигача (эквивалентда) бўлган товарларни экспорт қилиш тартиби тузмасдан ҳамда божхона юк декларациясини расмийлаштирмасдан олиб чиқишга рухсат этилган. Бироқ товарларнинг юк ҳужжатлари бўлиши талаб этилади.

Қабул қилинган Низомда белгилавишича, «Хунарманд» уюшмаси аъзолари учун унинг Бадий кенгашининг хулосаси ана шундай товарнинг кузатув ҳужжати ҳисобланади. Хунарманд хулосаси олиш учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни кенгашга тақдим этади, у 1 иш куни давомида маҳсулотнинг Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (иш, хизмат кўрсатиш) турларининг рўйхатига (17.11.2017 йилдаги ПФ-5242-сон Фармонга 1-илова) шаклини аниқлайди. Хулосада олиб чиқиладиган маҳсулотларнинг номи, миқдори, қиймати, режалаштирилган кўргазма, танлов ва ярмаркаларнинг ўтказилиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Сўнг кенгаш маҳсулотни Маданият вазирлигининг Бадий экспертиза бошқармасига

юборади. У ерда унга махсус сертификат расмийлаштирилади.

Ушбу 2 та ҳужжати божхона постида тақдим этиш ҳамда бунда режалаштирилган хорижий кўргазмада (ярмаркада) қатнашиш, у ўтказиладиган жой, сана ва вақт, шунингдек олиб чиқиладиган товарлар (номи, миқдори ва қиймати) тўғрисида хабардор қилиш талаб этилади.

**Бу – муҳим!** «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК хунармандларга белгиланган нормадан ортқ бўлган юклари (хунармандчилик маҳсулотлари) учун амалга ошириладиган тўловларда 25 фоиз махсус чегирмалар берилишини таъминлайди.

Хорижда маҳсулотларни сотишдан тушадиган валюта маблағлари эса хунармандларнинг Ўзбекистон тижорат банкларидаги ўз ҳисобрақамларига, шу жумладан банк ўтказмалари ва хорижий валютадаги нақд пул шаклида киритилган бўлиши керак. Шундан сўнг хунарманд ушбу маблағларни эркин тасарруф этишга, шу жумладан банк ҳисобрақамларидан нақд пул шаклида олишга ҳақли бўлади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 3.05.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

Компаниямиз фаолияти – импорт винолар билан улгуржи савдо қилиш. Шартномалар тузаётганда буюртмачиларимиздан Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқиш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг (АВ томонидан 26.07.2004 йилда 1390-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1-бандига мувофиқ ҳужжатлар пакетини ва алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини талаб қиламиз. Бироқ шу йилдан бошлаб айрим буюртмачиларимиз ушбу гувоҳнома нусхасини тақдим эта олмай, буни лицензияловчи орган «Қоғоздаги» гувоҳномани бермай, [license.gov.uz](http://license.gov.uz) веб-сайтида унинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилишни тавсия этаётганлиги билан асосламоқдалар.

Лицензияловчи орган алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган қоғоз ташуучидаги рухсат гувоҳномасини бермаслиги мумкинми?

Е.Ли, бухгалтер.

## Масаланинг икки хил ечими

– Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солилмаганлиги сабабли бу саволга аниқ жавоб йўқ.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикасида <https://license.gov.uz> электрон лицензиялаш портали ишга туширилиб, фаолият юритапти.

Президентнинг Фармони билан қоғоз лицензиялар ва рухсатномалар берилишини бекор қилиш ҳам назарда тутувчи чора-тадбирлар комплекси тасдиқланган. Бажариш муддати – 2018 йилнинг 1 ноябригача (12.12.2017 йилдаги ПФ-5278-сон Фармонга 2-илова-нинг 13-банди).

Бироқ материал тайёрланган санага қадар Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомга (16.03.2007 йилдаги ПҚ-605-сон қарорга 1-илова) ўзгартиришлар киритилмади.

Ушбу ҳужжатни қоғоз шаклида бериш тўғрисидаги норма амал қилиб келмоқда. Хусусан, белгиланганидек, рухсат гувоҳномаси бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига, ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Рухсат гувоҳномаси бланкалари, шу жумладан, алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш учун **юридик шахсларга берилган** рухсат гувоҳномаси бланкалари ҳисоби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилган рухсатномаларни рўй-

хатдан ўтказиш дафтаридан юритилади (Низомнинг 12-банди).

Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқиш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низом (АВ томонидан 26.07.2004 йилда 1390-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳамда Умумий оқватлиши корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 28.03.2012 йилдаги 89-сон қарори билан тасдиқланган) ҳам тегишли нормалар (рухсатномаларни электрон кўринишда беришга доир) мавжуд эмас.

Шу тариқа, қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар расман киритилгунга қадар алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган «қоғоздаги» рухсат гувоҳномаси берилиши керак. Бошқа томондан, Президент Фармонида назарда тутилганича, лицензиялаш тартиби электрон бўлади ва бу тартиб ишламоқда. Шу муносабат билан корхона ушбу масалани ечиш йўлини ўзи танлаши лозим. Бунинг 2 хил йўли бор:

1. «Қоғоздаги» рухсат гувоҳномасини тақдим этишни талаб қилиш.

2. [https://license.gov.uz/licensing\\_content/778/register/](https://license.gov.uz/licensing_content/778/register/) давлат порталига кириб, харидорда рухсат гувоҳномаси борлигига ишонч ҳосил қилиш. Ёки харидордан ушбу рухсатномалар реестридан қоғозга чиқарилган нусхани тасдиқлашни сўраш.

Александр Лобанов,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## Мутахассис учун прописка

«Ўзгиротехсаноатхолдинг» пойтахтда доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин. Тузатишлар Вазирлар Маҳкамасининг 3.05.2018 йилдаги 319-сон қарори билан киритилди.

Мазкур акциядорлик жамияти Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига (ВМнинг 7.10.2016 йилдаги 336-сон қарорига 1-илова) киритилди.

*Эслатиб ўтамизки, ушбу Рўйхатдаги органлар ва ташкилотларга ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) улар лавозимда турадиган даврга мазкур орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра*



*пойтахт ва пойтахт минтақасида доимий прописка қилинади (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонуннинг 11-банди).*

Мазкур тоифадаги фуқаролар доимий пропискани расмийлаштириш чоғида тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномаси, шунингдек лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқдан кўчирмани тақдим этишлари шарт.

Фуқаро 11-бандга асосан прописка қи-

линган бўлса, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида жойлашган уй бўйича олди-сотди, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳада шартномалари, шунингдек уни гаровга (ипотекага) қўйиш, кўчмас мулкдан (унинг бир қисмидан) воз кечиш ва уни ўзгага беришнинг бошқа усуллари нотариал тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади, башарти:

➤ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида 3 йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) бўлса;

➤ ИИОнинг доимий пропискиси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 3.05.2018 йилдан кучга кирди.**

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Муайян яшаш жойига эга бўлмаганлар – реабилитация марказига

Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (26.04.2018 йилдаги 309-сон) эълон қилинди.

Хужжатда белгиланишича, кишини муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс деб эътироф этиш учун у бир йўла 4 та мезонга тўғри келиши шарт:

➤ 18 ёшдан ошган бўлиши (муаллифнинг фикрича, 18 ёш + 1 кун);

➤ шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий билет ва ҳ.к.) бўлмаслиги;

➤ бирон-бир манзилда вақтинча ёки доимий пропискиси бўлмаслиги ёхуд яшаш жойи бўйича ҳисобда турмаслиги;

➤ гайриижтимоий хулқ-атворли (жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракат-

сизлиги билан ажралиб туриши), шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлиши (ўзининг гайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлиши) («*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*»ги Қонуннинг 3-моддаси).

Бундай шахслар мунтазам аниқланиб, туман (шаҳар) ички ишлар органларига келтирилади. У ерда уларнинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаса, ички ишлар органи бошлиғи шахсни махсус реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида туман (шаҳар) маъмурий судига илтимоснома киритилади.

Суд илтимосномани 24 соат давомида кўриб чиқади. У қаноатлантирилганда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс 30 кунни реабилитация марказида ўтказиши мумкин. Марказга қабул қилинаётганда уларнинг фотосуратлари олинади, дактилоскопик рўйхатга қўйилади (бармоқ излари олинади), тиббий кўрикдан ўтказилади, буюмлари ва ашёлари кўздан кечирилади, шунингдек улар дезинфекция қилинади. Юқумли касалликка чалинганлар (ОИВ/ОИТС, силнинг фаол шакли, захм ва б.) бошқалардан алоҳида сақланади.

Марказда куну тун бўлиш вақтида ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатилади, шунингдек жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар ўтказилади. У ерда

сақлаш режими анча қатъий, ҳатто кириш ва марказ ҳудудидан эркин чиқиш чекланган.

Шахс стационар даволанишга муҳтож бўлса, зудлик билан соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасасига юборилади. Кексалар ва ногиронлар «Саховат» уйларига, руҳий касаллиги бўлган шахслар «Мурувват» уйларига жойлаштирилади. Соғлом эркек (18 ёшдан 60 ёшгача) ва аёллар (18 ёшдан 55 ёшгача) эса ишга жойлаштирилади.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 27.08.2018 йилдан кучга кирди.**

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Паспорт олиш учун электрон навбат

Давлат персоналлаштириш маркази сайтининг янги версияси ишга туширилди. Сайт орқали биометрик паспорт ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун электрон навбатга туриш мумкин.



Сервисдан фойдаланиш учун сайтнинг «Интерактив хизматлар» бўлимига кириш керак. Мурожаатга бир иш куни давомида ишлов берилади ва аризаچига SMS-хабар воситасида брон қилинган навбат санаси ва вақти ҳақида ахборот келади.

Шу ернинг ўзида ариза-анкета бланкисини тўлдириб, қозғога чиқариш ёки тўлдирилмаган бланкани қозғога чиқариш мумкин.

Махсус функция давлат божини тўлаш учун квитанцияни генерациялаш ва уни иш куни давомида қозғога чиқариш имконини беради.

Давлат божини Click тизими орқали тўлаш мумкин.

Илгари ушбу тартиб-таомиллардан ўтиш учун туман маълумотлар йиғиш пунктига албатта бориш керак бўлар эди.

norma.uz.

Лутфихон Маллабоева 25 йил муқаддам Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятдан Ўзбекистонга келган. Шу заминда олий маълумотли бўлиб, шифокор сифатида узоқ йиллар хизмат қилди. Оила курди, фарзанду набиралар кўрди. Бироқ Ўзбекистон фуқароси паспортга эга эмаслиги унинг армони эди. Бугун Лутфихон оланнинг орзулари ушалди, унга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти берилди.



## Юртдошларимизга – фуқаролик паспортлари

Шу куни Лутфихон опа сингари яна 8 нафар юртдошимиз фуқаролик паспортга эга бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, фуқаролар ва журналистлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий манфаатлари қонун билан қафолатлаб қўйилгани, ҳар бир фуқарога бериладиган паспорт Ўзбекистон Республикаси мулки бўлиб, унинг эгаси давлат муҳофазаси-

да эканини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»ги Фармони асосан пойтахтимизда истиқомат қилиб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимиз фуқаролик паспортга эга бўлди.

– Оилам, фарзандларим ёнимда, тинч дийрда яшайман. Бир қарашда мендан бахтли аёл йўқ, – дейди Миробод туманидаги 1-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори Лутфихон Маллабоева. – Шу заминда

яшаб, уни жондан азиз билсамда, фуқаролик паспортга эга бўлмаганим мени қийнаб эди. Қариндошларим кўшни Қирғизистонда яшайди. Уларни йиллаб кўролмасдим. Хорижга чиқиш билан боғлиқ кўплаб муаммо ва қийинчиликлар бўлар эди. Ҳатто, ота-онамни сўнги манзилга кузатаётганда ҳам вақтида етиб бора олмаганим армон бўлиб қолди. Яратганга шукр, бугун фуқаролик паспортини кўлимга олдим, сайлаш, сайланиш ҳуқуқига эга бўлдим. Бу ҳужжат орзуларим рўёби бўлиши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиб, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиламан.

ЎЗА асосида.

## Чет эллик шахс учун кўчмас мулк

**Чет эллик жисмоний шахс яшаётган гувоҳномага эга бўлмай туриб, Тошкент шаҳрида яшаш учун мўлжалланмаган жойни сотиб олиши мумкинми?**

Р.Йулдошев, Тошкент ш.

— Агар чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс:

- Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса;
- Тошкент шаҳри ҳудудида камида 3 йил доимий яшаётган (лавозимда бўлган) ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари рўйхатининг (Низомга илова, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 2-илова) 2, 3 ва 6-бандларида мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган шахс ҳисобланса ва доимий пропискани борлиги тўғрисида ИИОнинг маълумотмасини тақдим этса, турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бинони сотиб олиши мумкин (Низомнинг 12-1-банди).

Куйидаги шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга:

1) қонун ҳужжатларида мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (ФБШ) — хусусий мулк қилиб сотиб олинган уй-жойга;

2) қариндошлар — ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари Рўйхат кучга киргунча доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

3) эр (хотин) — хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида, башарти камида 5 йил биргаликда яшаётган бўлса;

4) васийлик ва ҳомийликдаги шахслар — васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

5) ота-оналари бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар — ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

6) давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик давлат бошқа ташкилотларига ишга тақлиф этиладиган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — кўрсатиб ўтилган шахслар лавозимда турадиган даврга.

**Изоҳ.** Рўйхатнинг 2 (эр ёки хотин, ўз оиласи бўлмаган вояга етган болалари ва эр-хотиннинг биргаликдаги ва/ёки олдинги никоҳдан ёки никоҳсиз туғилган вояга етмаган болалари, шунингдек фарзандликка олинган болалари бундан мустасно), 3, 4, 6-бандларида мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

## Ўзи ҳақидаги барча маълумотлар

**Ўзбекистон фуқароси билан чет эллик фуқаро ўртасидаги никоҳ хорижда қайд этилган бўлса, Кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимида (чиқиш учун анкетада) оилавий аҳоли тўғрисида нимани ёзиш кераклигини айтиб берсангиз. КЧФРБга легаллаштирилган никоҳ тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиш керакми?**

А.Беркович.

— Чет элга чиқиш тўғрисидаги анкета-аризанинг 15-«Яқин қариндошларим: эр (хотин), ота, она, фарзандлар, собиқ хотин (эр) ҳақидаги маълумотлар — биргаликдаги никоҳдан фарзандлар бўлганда» устунда оилавий аҳолининг кўрсатишингиз шарт.

Маълумотларни яшириш ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 226-моддаси бузилишига олиб келади, бу қонунга хилоф равишда расмийлаштирилган ҳужжатларни мусодара қилиб, ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу тариқа, кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига легаллаштирилган никоҳ тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этишингиз керак.

## Асос йўқ

**Мен 8 йил аввал Исроилга чиқиб кетганман. Консулхонага шахсий масалалар юзасидан бир неча мартаба мурожаат қилган бўлсам ҳам, унда ҳисобга турмаганман. Ҳозир Ўзбекистонга чиқишим зарур. Эски виза мuddати аллақачон ўтиб кетганлиги сабабли Ўзбекистондан чиқиш визасини расмийлаштиришда муаммага тўқнаш келмайманми?**

Т.Берг.

— Стикернинг амал қилиш мuddати чет элда тамом бўлиши Ўзбекистон Республикасига киришда, шунингдек бир хорижий давлатдан бошқасига сафар қилишда жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган хорижий давлатлардан бошқа хорижий давлатларга сафар қилиш бундан мустасно (Тартибнинг 1 бўлими 7-банди, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова).

Шу тариқа, ҳозир Исроилда бўлсангиз ва чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикери мuddати Исроилда вақтинча бўлган даврингизда ўтиб кетган бўлса, Ўзбекистон Республикасига қайтиб, доимий прописка қилинган жойдаги кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш масаласи бўйича мурожаат этишингиз мумкин.

## Консулхонада албатта ҳисобда туринг

**2017 йил май ойида келимининг визаси бўйича АҚШга кетдим (ушбу виза учун доимий яшаш жойи ва кўчирма керак эмас), айни пайтгача шу ерда яшаб келмоқдаман. Турмушга чиқиб, фамилияمنى ўзгартирдим (паспортда эски фамилиям қолган). Тошкентдаги пропискдан чиқмаганман, тегишинча, доимий яшаш жойим ҳам йўқ. Чиқиш учун рухсатнома мuddати 2018 йил июлда тугайди, Консулхона ҳисобга турмаганлигим сабабли Ўзбекистон Элчихонасида паспортимни янги фамилияга алмаштира оламанми? Паспортимни қандай алиштирсам бўлади?**

Н.Монс.

— Вақтинча яшаш учун чет элга кетган, у ерга ошқора келган ва чет элда доимий яшашга қарор қилган Ўзбекистон фуқаролари доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун белгиланган шаклдаги ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қиладилар. Консуллик муассасаси фуқароларнинг чет элда доимий яшаш учун қолдириш бўйича ҳужжатларини расмийлаштиради ва масалани белгиланган тартибда келишиш учун ҳужжатларни ТИВ орқали ИИВга юборди (Тартиб, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова).

Шу тариқа, келимининг визаси бўйича АҚШга кетган ва у ерда доимий яшашга қарор қилган бўлсангиз, уни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида вақтинча консуллик ҳисобига туришингиз ва доимий яшаш учун қолдириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш таомилини бошлашингиз керак бўлади. Ижобий қарор қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Элчихонасида легаллаштирилган никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома асосида фамилиянгиз ўзгаргани муносабати билан паспортингизни алмаштира оласиз.

## Бир мавзуда

**Маълумки, 2011 йил 1 январдан эгасининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти жорий этила бошлади (23.06.2009 йилдаги ПФ-4117-сон Фармон). Ҳужжатлар бир неча босқичда алмаштирилди. Алмаштиришни 2015 йилда якунлаш режалаштирилган эди. 2018 йил 1 июлда эски намунадаги паспортларни алмаштириш мuddати тугайди. Ўзбекистондаги барча фуқаролар биометрик паспорт олдлар, алмаштиришни якунлаш мuddати узайтирилмайди деб ишонч билан айтиш мумкинми?**

С.Укромов.

— Президентнинг 23.06.2009 йилдаги ПФ-4117-сон Фармони 2-бандига мувофиқ, паспортларни алмаштириш якунланадиган мuddат — 2015 йил 31 декабрь.

Объектив сабабларга кўра паспортларини алмаштиришга улгурмаган, шунингдек эски паспортлар билан хорижда бўлган кўпгина фуқароларнинг илтимосларига биноан жойлардаги кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимидаги ва хориждаги консулхона иши учун масъул идоралар ўзларининг биргаликдаги ички идоравий ҳужжатлари билан эски паспортларнинг амал қилиш мuddатини 2018 йил 1 июлгача узайтирдилар. Ўзбекистон фуқаролари эски намунадаги паспортларини 2018 йил 1 июлгача биометрик паспортларга алмаштиришлари шарт. Айни пайтда ушбу мuddатни узайтириш режалаштирилмапти.

**Муайян сабабларга кўра (ёши, касаллиги ва ҳ.к.) кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига шахсан кела олмайдиган фуқаролар бор. Ўз вақтида ариза бўйича мобил станция хизмати кўрсатилмаган. Бу тоифадаги шахсларга нисбатан жазима санкциялари қўлланиладими? Агар қўллansa, қандай жазолар?**

Л.Попова.

— Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бош бошқармаси кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига шахсан кела олмайдиган фуқароларга нисбатан жазима санкцияларини юмшатиш, шунингдек хизмат кўрсатувчи мобил станцияларни қайта жиҳозлаш, сифатли даражада расмийлаштириш ва аҳолини биометрик паспортлар билан персоналлаштириш учун ходимларнинг штатдаги сонини кўпайтириш масалаларини кўриб чиқмоқда.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

<p>Иккинчиди — ҳуқуқий газета</p> <p><b>НОРМА МАСЛАХАТЧИ</b></p> <p>ХУЎҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ</p> <p>Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.</p> <p>Рўйхат рақами 0074.</p> <p>Ҳафтада бир марта шеанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарход Собирович ҚУРБОНБОЕВ</b></p> <p>Нашр учун масъул — бош муҳаррир уринбосари, масъул котиб Нодир Носирович <b>АЛИМОВ</b></p>	<p>Адабий муҳаррир <b>Зулфия Сандмуратовна РАҲИМБЕКОВА</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p>ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўча, 1/1, Таҳририят тел. 200-00-90 Обуна бўлими тел. 200-00-30 E-mail: <a href="mailto:sbx@norma.uz">sbx@norma.uz</a>, <a href="mailto:gazeta@norma.uz">gazeta@norma.uz</a>, <a href="http://web: norma.uz">web: norma.uz</a></p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90; Рекламани жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига муурожаат қилиш мумкин.</p>
---	--	---	--	--